

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИ, ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, БОШҚАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодийнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш ва фаолиятини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни бошқариш ва тартибга солишнинг ягона тизимини шакллантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академиясининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

табиий, техник ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш;

илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси механизмларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг, давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларини шакллантиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш;

жаҳон ва республика илм-фан ютуқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, улардан Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида фойдаланиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз илм-фани, илмий салоҳияти, фан ва техника ютуқларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш;

хорижий мамлакатларнинг фанлар академиялари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва жамғармалари билан халқаро ҳамкорлик қилиш, халқаро илмий форум ва конференциялар ташкил этишда ва ўтказишда иштирок этиш;

Фанлар академияси муассасаларининг илмий салоҳияти ва моддий-техник базасидан фойдаланган ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлашда иштирок этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Тарих институти Фанлар академияси тасарруфига ўтказиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибиде:

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Математика институти негизиде В. И. Романовский номидаги Математика институти;

Ўзбекистон Миллий университети Физика факультетининг тегишли лабораториялари ва ноёб объектлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Радиация хавфсизлиги маркази негизиде Ядро физикаси институти;

Тошкент давлат техника университети Муҳандислик-физика факультетининг тегишли лабораториялари негизиде У. А. Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Тармоқ машинасозлиги муаммолари

илмий-тадқиқот маркази негизиде М. Т. Ҳрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти;

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази негизиде Полимерлар кимёси ва физикаси институти;

Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази негизиде Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти;

Самарқанд шаҳридаги Археология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтининг Тошкент бўлими негизиде Я. Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти илмий-тадқиқот институти негизиде Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Ўзбек тили ва адабиёти музейи негизиде Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи жамоатчилик кенгаши Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи жамоатчилик кенгашига айлантириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ Фанлар академияси тасарруфига ўтказилсин, у Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгашининг ишчи органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлигининг Фанлар академияси Навоий бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига қабул қилинсин.

Фанлар академияси Навоий бўлимини сақлаш, шунингдек, унинг амалий ва инновацион тадқиқотларини амалга оширишга йўналтирилган харажатлари "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг ҳисобидан, шу жумладан, тегишли илмий-технологик ишланмаларни жорий этиш натижасида олинган соф фойданинг 10 фоизи микдори эвазига қопланиши белгилаб қўйилсин.

5. Белгилансинки, қайта ташкил этилган Фанлар академияси илмий муассасалари юридик шахс мақомига эга давлат муассасасидир, улар аввал ўзлари тасарруфиде бўлган вазирлик ва идоралар негизидеги илмий муассасаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланадилар.

6. Илм-фаннинг устувор йўналишлари ривожланиши таъминлаш, шунингдек, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш мақсадида Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмасида физика-математика ва техник фанлар, кимё-биология фанлари, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича бўлимлар ташкил этилсин.

Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси, Хоразм Маъмун академияси раиси ва Фанлар академияси Навоий бўлими раиси ўз мақомига қўра Фанлар академиясининг вице-президентига тенглаштирилсин.

7. Амалиётга шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари Фанлар академиясининг ассоциациялаштирилган аъзоси бўлиши мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ташкилий ҳамда бошқарув аппарати тузилмалари 1 ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бошқарув аппарати тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

10. Қуйидагилар Давлат комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илмий-техник фаолият соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат илмий-техника ва инновацион сиёсатининг устувор йўналишларини ва ушбу соҳаларда давлат сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни белгилаш;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг грант асосидаги давлат илмий-техника дастурларини тасдиқлаш;

бажарилаётган лойиҳалар ва уларни жорий этиш тадбирларининг амалга оширилиши юзасидан давлат органлари раҳбарлари ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш ва шахсий жавобгарлиги масалаларини кўриб чиқиш;

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фаолият тугатилган Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси негизиде Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг бош директори, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш вазифалари ва замонавий илм-фан ютуқларини инobatга олган ҳолда, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш тадбирларини бажариш;

давлат илмий-техника дастурларини шакллантириш, амалга ошириш ва улар ижросининг, ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишлари натижаларидан фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

муҳим тармоқларо илмий-техник дастурлар ижросини таъминлаш;

иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бажарилиши бўйича илмий-техник хизматлар кўрсатишда давлат топшириқларини шакллантириш;

ҳар йилги Республика инновацион гоёлар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказилишини ташкил этиш ҳамда унинг доирасида имзоланган шартномаларнинг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш;

фан ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлини ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш, хорижий ҳамкорлар билан қўша илмий лойиҳалар ва инновацион ишланмалар бажарилишини ташкил этиш;

олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш фаолиятини режалаштириш ва мувофиқлаштириш.

13. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Давлат комиссиясининг ишчи органи ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

14. Фан ва технологиялар агентлиги республиканинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасалари томонидан амалга оширилаётган давлат илмий-техника дастурлари ва лойиҳаларининг ягона буюртмачиси этиб белгилансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Фанлар академияси, Иқтисодий вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда, уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бинолар, иншоотлар ва бошқа моддий-техник базани сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларини базавий молиялаштириш механизмининг жорий этишини назарда тутувчи илмий-тадқиқот муассасаларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

16. Мамлакатда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш, рақобатбардор илмий-ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мақсадида Давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Давоми 2-бетда. ➡

Янгиликлар, хабарлар, таҳлилий-танқидий мақолалар билан газетамизнинг интернетдаги манзили – [www.thtp.uz](http://www.thtp.uz) орқали ҳам танишишингиз мумкин.



### 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг дастлабки кунлариданоқ вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида аҳоли билан учрашувлар ўтказиш, талаб-истакларини тинглаш, фикр-мулоҳазаларини эътиборга олиш ҳамда улар ўртага ташлаган камчилик ва муаммоларни ҳал этиб бориш тизимли ташкил этилмоқда.

## АҲОЛИ ТАЛАБИ – ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Жумладан, Бўка тумани ҳокимлигида ҳафтанинг хар жума кунлари фуқароларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, туман ҳокими, унинг ўринбосарлари, ташкилий-назорат гуруҳи ҳамда тегишли ташкилотлар раҳбарлари тасдиқланган жадвалга мувофиқ ҳафтада бир марта қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлишиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиб, уларнинг истак ва тақлифларини туманининг ўзида ҳал этиш чораларини кўрмоқдалар.

Фуқароларнинг қишлоқларда ҳуқуқий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун қулай имкониятлар яратиш ва имтиёзлар беришга оид тақлифлари эътиборга олиниб, туман аҳолиси бандлигини бунгунги талаблар даражасида таъминлаш мақсадида қорамол ва парранда боқилиши истаётганларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун тижорат банкларининг туман бўлиmlари 39 та маҳаллага бириктирилди. Айни пайтда банкларнинг ҳар бири 455 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача кредит ажратиш режалаштирилган. Шунингдек, "Қишлоқ-қурилишбанк"нинг вилоят бўлими ҳам аҳолига 1000 бош қорамол ва 2 миллионга парранда етказиб берадиган бўлди. Қозирги кунда тижорат банклари туман бўлиmlари аҳолини муқим даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида уюштирилаётган мазкур тадбирга мувофиқ қорамол ва парранда боқилиш учун имтиёзли кредит олишни истовчи талабдорларни аниқлаб, рўйхатини тайёрламоқда.

Туманинг чегара ҳудудидаги маҳалла вакиллари талабига мувофиқ, уларнинг яшаш шароити ўрганилиб, ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати тавсияси билан паст рентабелли ерлардан 30 гектари ажратилиб, мева ва сабзавот етиштирадиган янги фермер хўжалиқларига берилди. Худуддаги ишсиз кишилар мазкур хўжалиқларнинг аъзолари сифатида муқим иш ва тайинли даромад манбаига эга бўладилар.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масаласига эътибор султишга оид эътирозларга жавобан туман аҳолиси, айниқса, хотин-қизларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида режага киритилган санаот корхоналари қурилишини янада жаддалаштириб, 2017 йилнинг учинчи чораги охиригача яқунлаш режалаштирилди. Умуман, бу йил санаот ишлаб чиқариши соҳасининг ўзиде 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилган. Эътиборлиси, бу орқали яратиладиган янги иш ўринларининг камида 40 фоизи аёлларга мўлжалланган.

Абдусамод Йўлдошев, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Аҳоли билан мулоқот

## Диққат, янги рукн:

### «ПАЙШАНБА – ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ПРОФИЛАКТИКА КУНИ»

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида шу йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасида ички ишлар идоралари зиммасида ўта масъулиятли вазифалар турибди. Бугунги шиддаткор давр соҳада фаолият самарадорлигини ошириш, бунинг учун маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари,

таълим-тарбия муассасалари билан яқин ва узвий ҳамкорлини йўлга қўйишни тақозо этмоқда.

Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари бу борада қўзланган мақсад-муддаларга беҳаму қўст эришишни таъминлаш мақсадида ҳафтанинг пайшанба кунини жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни, деб эълон қилиш тақлифини илгари сурди.

Ушбу хайрли ташаббус жойларда ижобий атмосфера бериб, нафақат соҳа вакиллари, балки кенг жамоатчилик она юрт тинчлиги ва оқойишталарига дахлдор бу эзгу ишга астойдил бош қўшишга, жараёндан четда турмасликка интиляпти.

Тахририятимиз ана шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар, профилактика тадбирлари самаралари, шунингдек, вилоятда содир этилган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида вилоятимиз аҳлини кенг хабардор этиб бориш мақсадида "Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни" рукнини ташкил қилди. Бу – вилоятимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддиларидан тортиб, соҳага таалуқли мутахассис ва экспертлар, кўпни кўрган нурунийлар, фаоллар, умуман, жамоатчилик вакиллари учун эркин минбар вазифасини ўташдан умидвормиз.

3

ТАХРИРИЯТ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

Фанлар Академияси Фаолияти, Илмий-Тадқиқот Ишларини Ташкил Этиш, Бошқариш ва  
Молиялаштиришни Янада Тақомиллаштириш Чора-Тадбирлари Тўғрисида

17. Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари этиб: Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига патент божлари, йиғимлар ва бошқа солиқ тоифасига кирмайдиган тўловлардан келиб тушган валюта маблағларининг 90 фоизи;

халқаро молия ташкилотлари ва институтларнинг грантлари ва кредитлари; ҳомийлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушулур манбаларининг.

18. Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини бошқариш вазифаси Давлат комиссиясига юклансин.

19. Куйдагилар Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа

вазирлик ва идораларнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида мамлакатда илм-фан ва технологияларнинг жадал ривожланишини таъминлашга, рақобатбардош илмий-ҳажмдор маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга йўналтирилган илгор илмий тадқиқотлар ва излашни ишларини олиб бориш учун танлов асосидаги, мутлақо янги типдаги ва замонавий юқори технология асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораториялар ташкил этиш бўйича тадбирларни молиялаштириш;

давлат илмий-техника дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) харажатларини қоплаш;

давлат илмий-техника дастурларини амалга оширишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий лабораториялари учун қўшимча замонавий илмий асбоб-ускуналар, зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш учун маблағ ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа

вазирлик ва идоралар тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг етакчи илмий электрон маълумотлар базасидан эркин фойдаланишлари учун талаб этиладиган харажатлари қоплаш;

ёш олимларнинг етакчи хорижий илмий марказларда, шу жумладан, илмий лабораториялари жиҳозлаш учун сотиб олинмаган замонавий илмий ва технологик асбоб-ускуналарда ишлашни ўрганишлари учун ташкил этиладиган қисқа мuddатли илмий стажировкаларни молиялаштириш.

20. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Фан ва технологиялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш ва олимларнинг хорижий стажировкаларини ташкил этиш учун чет эл кредитлари ва грантларини жалб этиш бўйича халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан тизимли иш олиб боришлар.

21. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Фанлар Академиясининг илмий тадқиқотлар яқунлари бўйича салмоқли натижаларга эришган олимларни тақдирлаш учун Фанлар акаде-

миясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилан кўйилсинки, Фанлар Академиясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси Фанлар Академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган соф фойданиннг 10 фоизи миқдоридидаги чегирага ҳисобдан шакллантирилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, жумладан, куйидагиларни назарда тутувчи қарорини қабул қилсин:

тегишли олий таълим муассасалари билан чуқур интеграцияни таъминлаган ҳолда Фанлар Академияси тасарруфига ўтказилмаган ҳамда унинг таркибидида қайта ташкил этилаётган илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини йўлга қўйиш;

Фан ва технологиялар давлат комиссияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ри-

вожлантириш жамғармаси, Фанлар Академиясининг Навоий бўлими, Фанлар Академиясининг илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш.

23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 17 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фанлар Академияси Фаолияти, Илмий-Тадқиқот Ишларини Ташкил Этиш, Бошқариш ва Молиялаштиришни Янада Тақомиллаштириш Чора-Тадбирлари Тўғрисида"ги Қарорига

ШАРҲ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришнинг барқарор тизими яратилди. Мамлакатда салохиятли илмий мактаблар яратилди, илмий лаборатория ва кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, вазирлик ва идоралар ҳамда республика миқёсидаги илмий-техник ва эксперт кенгашлари шаклидаги кўп тармоқли илмий-ташқилий инфратузилма фаолият юритмоқда.

Айниқса сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техник салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Бир қатор янги илмий-инновацион тузилмалар – Геномика ва биоинформатика маркази, Халқаро қуёш энергияси институти, Кембридж университети иштирокида Юқори технологиялар маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимида Фанлар Академияси ҳақли равишда фундаментал тадқиқотлар етакчиси сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда Фанлар Академияси тизимида салмоқли интеллектуал салохият мужассамланган. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан академик фаннинг мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантиришдаги ролини кучайтириш, Фанлар Академиясининг илмий-инновацион фаолиятини тақомиллаштириш ва мавқеини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Ушбу эътиборнинг ёрқин кўриниши сифатида мамлакатимиз Президентининг давлат раҳбари сифатидаги биринчи учрашуви айнан илм ҳамжамияти – республика академиклари ва етакчи олимлари билан бўлганлигини таъкидлаш ҳоиз.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб академикларга энг кам иш ҳақининг 10

баробари миқдоридида жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқлардан озод этилган олий таълим ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузуридида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илм-фан салохиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий излашларнинг ихтимой-иктисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур соҳада тўлланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, қарорга кўра замона-

вий йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузуридида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишга таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, республика вилоятларида бўлиб ўтаётган халқ билан бевосита мулоқот пайтида Президентимиз томонидан барча ҳудудларда илм-фан салохиятини тиклаш, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилмоқда. Ушбу вазифаларни амалга оширишда илмий излашларнинг ихтимой-иктисодий соҳаларнинг реал муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, ўз навбатида, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан олимларнинг илмий-технологик ишланмаларини амалиётга жорий қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини яратиш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур соҳада тўлланиб қолган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан кенг кўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, қарорга кўра замона-

вий талаблар асосида Фанлар Академиясининг асосий вазифа ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бундан ташқари, илмий-тадқиқот инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Фанлар Академияси таркибидида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ташкил қилиниб, қатор муассасалар Академия тасарруфига қайтарилган. Ҳозирги кунда, бу тадбирлар Фанлар Академияси томонидан кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар олиб борилишини таъминлаш, турли фан тармоқлари бўйича мавжуд илмий салоҳиятини муассамлаш ва ихтимой-иктисодий соҳаларнинг долзарб муаммоларига сарфбар қилиш имкониятини яратди.

Қарорда Фанлар Академияси бошқарув аппаратининг ташқилий тузилмасини янада тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди, унинг таркибидида физика-математика ва техника фанлари, кимё-биология фанлари ва ихтимой-гуманитар фанлар бўлими ҳамда Фанлар Академиясининг Навоий бўлимининг ташкил этиш кўзда тутилди. Бу мазкур фан соҳаларида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, Навоий вилояти ҳудудининг комплекс ривожлантиришда, мавжуд санъат салоҳиятини янада мустаҳкамлашда академик фан имкониятларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

Шунингдек, қарорга мувофиқ Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон ва Навоий бўлимлари ҳамда Хоразм Маъмур Академияси раислари мавқеи Академия вице-президенти даражасига тенглаштирилиши ҳам айнан ҳудудларда илм-фан салохиятини тиклаш ва нуфузини ошириш борасида олиб борилаётган тизимли ишларнинг яққол тасдиғидир.

Самарали илмий фаолиятни рағбатлантиришга ҳам қарорда катта эътибор қаратилган. Шу мақсадда,

илмий-тадқиқот муассасаларининг хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган соф фойданиннг 10 фоизи миқдоридидаги ажратмалари ҳисобига шаклландиган, илмий тадқиқотлар яқунлари бўйича салмоқли натижаларга эришган Фанлар Академияси илмий ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири раҳбарлигида Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси тузилиб, унинг зиммасига илмий-техника соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, инновацион сиёсатнинг устувор йўналишларини белгилаш вазифалари юкланмоқда.

Шунингдек, мазкур комиссиянинг ишчи органи сифатида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги фаолият тугатилаётган Фан ва технологиялар ривожлантириш мувофиқлаштириш қўмитаси негизидида Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилмоқда. Агентлик зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ихтимой соҳа учун фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажаришда илмий-техник хизматлар кўрсатишга йўналтирилган давлат топшириқларини шакллантириш каби вазифалар юкланади.

Мазкур тадбирлар илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга, мавжуд интеллектуал салоҳиятни жиёқлаштиришга, излашлардаги майда, самарасиз мазмунларга тақорланишларга барҳам беришга хизмат қилади.

Қарор билан ўз ечимини топаётган яна бир муҳим масала Фан ва технологиялар бўйича давлат комиссияси қошида юридик шахс мақомига эга бўлган Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, жамғарма маблағлари куйидаги мақсадлар-

га йўналтирилиши назарда тутилган: илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида янги типдаги ва замонавий юқори технология асбоб-ускуналар билан жиҳозланган илмий лабораторияларни ташкил этиш; олимларимиз томонидан давлат илмий-техник дастурлари доирасида яратилган интеллектуал мулк объектларини чет элда рўйхатдан ўтказиш (патентлаш) харажатларини қоплаш;

замонавий лабораторияларнинг илмий асбоб ва ускуналарини зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлаш;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг жадвал тизимини кучайтириш бўлиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Ушбу қарор академик фан нуфузини ошириш, илмий-тадқиқот фаолиятининг кадрлар ва интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни ташкил этиш ва бошқариш тизимини тақомиллаштириш, илмий-тадқиқот муассасалари моддий-техника базасини тубдан яхшилаш, иқтисодий ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш ва олимларнинг сермажалб меҳнатларини муносиб моддий рағбатлантиришга кенг йўл очди.

Дикқат, танлов!

Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ" XI МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий мушоахда ва ижодий фаолиятга янгица ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2016 йилнинг 31 мартидан 2017 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатишган ҳамда телевиденида кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2017 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун куйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот  
Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Асосий мукофотлар:  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);  
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишонини, статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

ОАВда китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун;  
Чет эллик журналистининг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материал учун;  
Энг яхши фоторепортаж;  
Энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда каттор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган иш-

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават.  
Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.  
www.journalist.uz

Илова  
Миллий ҳамкорлар таъсис этган номинациялар  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши:  
"Меҳнат муносабатлари мавзуси энг яхши ёритилган материал учун";  
"Ихтимой шериклик мавзуси энг яхши ёритилган материал учун";  
Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари ни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди:  
"Журналистика ривожига қўшган хиссаси учун";  
"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси ёритилган энг яхши материал учун";  
Халқаро ҳамкорлар таъсис этган номинациялар  
Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ахборот маркази:  
"Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги ёритилган энг яхши материал учун".

"Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти (Словения):  
"ОАВ коррупцияга қарши курашда";  
АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси:  
"Халқ маданият меросини сақлаш масалалари ёритилган энг яхши материал учун";  
"Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун";  
ХҲРнинг Ўзбекистондаги элчихонаси:  
"Замонавий "Ипак йўли"нинг иқтисодий салоҳияти ҳақидаги энг яхши материал учун";  
"Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан маданий-гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш (жумладан, Хитой билан) борасида олиб борилаётган ишлар ҳақидаги энг яхши материал учун";  
"Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мавзусидаги энг яхши материал учун (икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан)";  
"Softline" халқаро ўқув маркази (Россия Федерацияси):  
"Ахборот хавфсизлиги масалалари ёритилган энг яхши материал учун".



# ОҲОРЛИ НИГОҲЛАР КАШФИЁТИ



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Иҳод" жамоат фонди томонидан "Сени яхши кўрамиз, Ўзбекистон!" номи билан чоп этилган ёшлар китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Уюшма ташаббуси билан чоп этилган китобдан диёримиз бўйлаб ижодий сафарда бўлган ёшларимизнинг таассуротлари асосида ёзилган мақола, очерк, эссе, лавҳалар

ўрин олган. "Очиғи, сафар таассуротлари хар доим ҳам қоғозга кўнгилдагидек тўкилавермайди, - дейди Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо китоб сўзбошида. - Чунки

Истиқлолнинг қадрини уни асрлар давомида орзиқиб кутганлар кўпроқ хис этиши бор гап. Лекин, муштақиллик насимлари оғушида ўсиб-унаётган ёшларимизнинг дориламон кунлар шарофати билан гуллаб-яшнаётган Ватан ҳақидаги теран мушоҳадалари бу қадрни янада осмон қадар кўтаргандек...

## □ Тақдимот

бу қамровни, бу ўзгаришлар миқёсини, бунёдкорликни бор бўйича ифода этиш мушкул масала. Бу борада янгича ёндошув, оҳорли нигоҳ шарт...

Китобдаги "Осмоним тинч, парвозга шайман", "Ватан ичра мўъжаз Ватан", "Кўёшли юрт одамлари", "Юрган дарё" каби лавҳалар бўйлаб жўш урган юрак мавжлари кўнглингизга шукроналик, меҳроқибат туйғуларини бахш этиб, эзуликча чорлайди.

Кувонарлиси, мазкур китобдан жамоамиз аъзоси, "Тошкент ҳақиқати" газетаси масъул котиби, иқтидорли журна-

лист Бехзод Қобуловнинг "Уста бобонинг даврони" деб номланган очерки ҳам жой олган. Шунингдек, республика иқтидорли ёшлари қаторида вилоятимизнинг Куйи Чирчиқ туманида туғилиб ўсган ижодкор қизларимиздан бири Қумуш Абдусаломова ҳам бор. Унинг "Кўнгилдагидек бўлғусидир!" деб номланган бадиаси халқимизнинг кўнглидагини топим айтидиганлар-у, уни амалда исботлайдиган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётганидан дарак бераётган бўлса не ажаб?!

Сайёра РИХСИЕВА,  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

## □ Китобхонлик

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимиздаги ўқув муассасаларида турли маданий-маърифий тадбирлар, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, китоб кўргазмалари ташкил этилмоқда.

## МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Бекобод туманидаги Мусика ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, маънавият тарғиботчилари, ноширлар, ота-оналар, мураббий ва ўқувчилар иштирок этди.

Жойларда ўтказилаётган китоб байрамлари ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, китобга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади. Китоб мутолаа қилган боланинг дунёқараши кенгайди, қалбида Ватанга муҳаббат, ота-

онага хурмат, одоб-ахлоқ фазилатлари ва муомала маданияти шаклланди, - дейди "Ўздавкитобсавдотаминот" қорхонасининг маркетинг бўлими бошлиғи Муроджон Ашимов. Шу кунги кўргазма иштирокчилари республикамизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган 600 дан зиёд янги ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, илмий оммабоп асарлар ҳамда тарихий адабиётлар билан танишиш ва уларни мақбул нархларда харид қилиш имкониятига эга бўлишди.

Ўз муҳбирими.

## □ Оқ йўл

Бугунги ёгин-сочинли кунлар аҳоли, хусусан, ҳайдовчиларга ноқулайлик туғдириб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда айрим муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

## ХУШЁРЛИК КУНДА КЕРАК

Бундай вазиятларда ҳайдовчилардан ниҳоятда эҳтиёткорлик, эътибор ва босиқлик, тажриба талаб этилади, - дейди вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси масъул ходими Абдутолиб Эргашев. - Автомашиналарнинг қиш мавсумига махсус техник тайёрлиги уларнинг йўлларда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашда катта роль ўйнайди. Шу боис, бу масалага жиддий эътибор қаратиш, транспорт воситаларини вақтида техник кўриқдан ўтказиш лозим.

Ҳайдовчи ҳаракатланаётганда ўзидан олдинда кетаётган транспорт воситалари ва йўлдан ўтишга чоғланаётган пиёдалар ҳаракатини доимий назоратда ушлаши муҳимдир. Уларнинг ҳаракатига қараб, тезликни белгилаш, тўсатдан тезликни оширмаслиги ва кескин тўхтамаслик чораларини қўриш даркор. Чунки, бу икки ҳолатда ҳам транспорт воситаси кутилмаган томонга бурилиши, сирпаниши мумкин. Бу эса бошқарувнинг йўқолишига сабаб бўлади. Бундай ҳолат бўлишда кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келади.

Йўл қондасига қатъий риоя қилиш, об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатланиш, энг муҳими, бундай пайтда ҳушёрликни янада ошириш содир бўлиши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишнинг муҳим омилдир.

Отажон НУРИНБОЕВ,  
вилоят ИИБ ЙЎЛ  
бошқармаси  
инспектори.

# БОБУР ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА

Буюк бобокалонимиз шох ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунини муносабати билан вилоятимиз шаҳар, туманларида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш аниъанага айланган.



## □ Ўзоз

Хусусан, Бекобод туманининг энг чекка қишлоқларидан бири Жумабозордаги 25-умумтаълим мактабида ўтказилган "Барҳаёт сиймолар" анжумани қишлоқнинг кексаю ёшида, ўқувчи ва ўқитувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ёзувчи ва шоирлар, хонандаларнинг Бобур ҳаёти ва ижодига доир маърузалари, шеър ва фазалар, куй ва кўшиқларини мириқиб тинглаган ёш авлод нигоҳида аж-

додлар хотирасига хурмат, эҳтиром, фахр ва ғурур туйғулари зоҳир эди.

Тадбир давомида қишлоқ кексалари иштирокида таъмирлаш ишлари олиб борилаётган "Бузурукбува", "Қизилмозор" қадамжоларига зиёрат уюштирилди.

Вилоятимизда бу каби табарруқ қадамжолар кўп, - дейди халқаро "Олтин мерос" фонди вилоят бошқаруви раиси Зарифа Эшмироева. - Уларни обод

қилиш, вақти-вақти билан зиёрат қилиб туриш ёшларда инсоний фазилатларнинг янада шаклланишига ёрдам беради. Давлатимиз раҳбарининг вилоятда туризмни ривожлантириш борасидаги кўрсатмалари мана шундай олтин меросимиз, тарихий ёдгорликлар, қадамжоларнинг қайта обод бўлиши, тикланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Миролим Байзақов ҳам Санжар Баймуратовга ишонч катта хато қилганини кеч англаганлардан. Йўқса, Санжарнинг гапларига учиб Анвар, Аббос, Миржалол, Аҳор, Қобил каби 50 га яқин маҳалладошлари билан Россияга ишлагани бормаган бўлармиди?! Ишга жой-

## □ Жиноятга жазо муқаррар

# ЗУЛМАТДАН ЗИЁ АХТАРИБ...

Бекободлик кўлаб ёшларни йўлдан урган, диний экстремизм гирдобига ботирмоқчи бўлган Санжар Баймуратов бугун ватангадо бўлиб, бошқа ўлкаларда зору сарсон юрибди. Унинг тузоғига тушганлар эса...

Ана шундай воқеалардан яна бири Худойназар Қурбанов билан ҳам содир бўлди. Ёш бўлишига қарамасдан, чет элга ишлагани борган йигитча, у ерда маҳалладоши Санжар Баймуратов билан кўришиб қолди. Ана шу вақт давомида турли маъруза ва даъватлари тинглаб, ўзи ҳам уларга қўшилиб кетишига бир баҳа қолди. Онасининг ҳалол оқ сўтими, ёки дуолари асрадики - ҳар қалай ўз вақтида Ватанга қайтиб келишга улгурди. Акс ҳолда, бугун яна бир ота-она оқ юви оқ тараган боласи дардида қуйиб ўтирган бўлармиди?

лашишгандан сўнг Санжар уларга мадраса тартибини жорий қилди. Яъни, ишдан бўш вақтларида маърузалар тинглаш, турли тарғибот видеороликларини кўриш ва намоз ўқиш қатъий белгилаб қўйилди. Одатда имомликка Санжарнинг ўзи ўтарди. Бора-бора Санжар жиҳод қилиш ҳар бир мусулмоннинг бурчи экани ҳақидаги ваъзаларини бошлади. Икки гапнинг бирини уларни жиҳодга даъват этарди. Бундан ҳавотирланган Миролим бир амаллаб Ўзбекистонга қайтиб келди. Аммо, у ҳам кўрган-билганларини ҳуқуқ-тартибот органларига хабар

## □ Шанба фелъетони

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ҚАРИНДОШ...



Музаффар Тангриқулوف халқимизнинг "Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл", деган мақолини эшитмаган шекилли, хорижга бориб, мўмай даромад олиш ниятига тушиб қолди. Яқинларининг эркак киши оиласини ҳар томонлама таъминлаши зарурлиги ҳақидаги гапларига, чет элдан сердаромад иш топгани, яқинда бойиб кетишини айтиш ишиси ва хорижга кетиш орзусида юрганидан хабар топган амакиси Ботир Кўзибоев Россияга боришига ёрдам берди.

Санкт-Петербург шаҳридаги заводда ишга жойлашган Музаффар у ерда Санжар Баймуратов билан танишди. Акмал, Шариф, Файрат эмсли кимсалар билан бир ўйда истиқомат қила бошлади. Ўтган вақт давомида Санжар уларни диний мавзулардаги турли тарғибот материаллари билан таништириб, ҳар хил видеороликларни кўриш, маърузаларни тинглашга мунтазам даъват қилиб турди. Бу эса диний билими йўқ ёшларни йўлдан уриши, жаҳолатга бошлаши турган гап эди. Музаффар эса, улар орасида диний мутаассибликнинг борган сари кучайиб бораётганини кўриб-билиб турса ҳам, ҳамхоналарини йўлдан қайтаришга ҳаракат қилмади. Аксинча, "сен менга, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутди.

Кунлардан бир кун Санжар Музаффарга: "Биз ислом келинлар, қудаларни - қудалар, набираларни - набиралар, қўшнилари - қўшнилари ижро этишган. Бунинг устига, асосий воқеалар қудалар, келин ва кўвёллар томонидан турли вақтларда хуфиёна суратга туширилган.

Тақдимот маросимида сўзга чиққанлар фильм операторларининг маҳоратини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Бу янги усул бугунги хусусий киносоаноатимизда жиддий ютуқ бўлиб, уни янада оммалаштириш зарур.

Мутахассис сифатида шуни айтишимиз мумкинки, фильм баъзи жузъий камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, дастлабки қандадир маросимини томоша қилган томошабин муҳожирони ким бошлаганини аниқ билолмай қолади. Бунинг боиси, ушбу маросимни икки томондан хуфиёна суратга олаётган операторлар баъзи сахналарни лентага ўзларига мослаб муҳрлаганлар.

Тақдимот сўнгиде қудалар бу фильмни бошқа ҳеч жойда кўрсатмасликка келишиб олишди.

Аҳмад ОҒА.

|                                                                                                                   |                                                                                                                                                                     |                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                                                                               |                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                       |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b><br/><b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b></p> <p>Муассис:<br/><b>Тошкент вилояти ҳоқимлиги</b></p> | <p>Бош муҳаррир<br/>вазифасини бажарувчи<br/><b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b></p>                                                                                             | <p>Мавзалими:<br/>100000,<br/>Тошкент шаҳри,<br/>Матбуотчилар<br/>кўчаси, 32.</p> <p>Электрон почта:<br/>thaqiqat@mail.uz</p> | <p>Телефонлар:</p> <p>Қабулхона: 233-58-85 (факс)<br/>Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10<br/>Котибият: 233-90-82, 233-79-96<br/>Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08<br/>Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59<br/>Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10</p> | <p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида теривди ва саҳифаланди.</p> | <p>Навбатчи муҳаррир<br/><b>Ҳолмурод САЛИМОВ</b><br/>Назоратчи мусоҳиҳ<br/><b>Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА</b><br/>Саҳифаловчи<br/><b>Тоҳир МАҲМУДУҶАЕВ</b></p> |
|                                                                                                                   | <p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8268. Адади 15 852. Баҳоси келишилган нарҳда Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.</p> |                                                                                                                               | <p>ISSN 2010-9318.</p>                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                       |